TEACHING FINE ART LESSONS IN CONNECTION WITH HISTORY	457-463
<i>Akramjonova Feruza Akramjonovna</i>	
INFLUENCE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT ON THE EDUCATIONAL PROCESS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTION	464-468
<i>Makhmudova Zulfiya Khomitovna</i>	
ORGANIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION AND FAMILY COOPERATION	469-476
<i>Abduvasieva Mahmuda Khamidullo qizi</i>	
UNIQUE ASPECTS OF THE CHINESE EDUCATION SYSTEM	477-483
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i>	
PEDAGOGICAL PROBLEMS IN THE FORMATION OF MENTAL ABILITIES IN PRIMARY CLASS STUDENTS AND THEIR SOLUTION	484-489
<i>Esanova Gulchehra</i>	
PRINCIPLES AND METHODS OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS	490-497

09.00.00-FALSAFA FANLARI - HISTORICAL SCIENCES**Received:** 22 April 2024**Accepted:** 1 May 2024**Published:** 10 may 2024*Article / Original Paper***AESTHETIC FOUNDATIONS OF ROMANTIC DIRECTIONS IN EASTERN ART OF THE EARLY MIDDLE AGES****Urokova Aysuluv Jamoliddinovna,**

Doctor of Science (DSc), Andijan State Medical Institute, Head of the Department of Social Humanities

Abstract. This article describes the specific aesthetic principles of the romantic movement, expressed in the wall paintings of Bolaliktepa, Varakhsha, Penjikent.**Key words:** oriental art, mythology, romanticism, Bolaliktepa, Varakhsha, Penjikent, monumental painting, aesthetic idea.**ИЛК ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ САНЪАТИДА РОМАНТИК ЙЎНАЛИШНИНГ ЭСТЕТИК АСОСЛАРИ****Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна,**

Фалсафа фанлари доктори (DSc), Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси мудири

Аннотация. Ушбу мақолада илк ўрта асрлар Шарқ санъатида романтик йўналишлар Болалиқтепа, Варахша, Панжикент деворий суратларида ифодаланган романтик йўналишнинг ўзига хос эстетик асослари ёритиб берилган.**Калит сўзлар:** Шарқ санъати, мифология, романтизм, Болалиқтепа, Варахша, Панжикент, монументал расм, эстетик ғоя.DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I5Y2024N17>

Кириш. Ўрта ва Яқин Шарқ санъати тарихи шуни қўрсатадики, мифология нафақат бадиий тафаккур романтик йўналишининг асоси бўлган, балки инсоннинг дунёга эстетик муносабатининг ранг-баранглигини ҳаракатлантирувчи восита бўлган. «Маҳаллий антик даврнинг бадиий меросини ўрганиш мифология ўзининг маҳаллий хусусиятлари билан тасвирий санъатнинг арсенали ва тупроғи бўлиб хизмат қилганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, қадимий мифологик реализмнинг ўзига хос услуги пайдо бўлади, бу жамоат талабарининг дунёвий йўналишини намойиш этадиган асарларда ёрқин намоён бўлади»[1; Б.95].

Болаликепанинг деворларига сурат чизишда рассом қандай ғояларга асосланган? Ўша пайтдаги эстетик идеал нима эди? Ўша даврдаги фалсафий, ахлоқий ва эстетик ғояларнинг атрофдаги воқелик билан қандай алоқада бўлган? Бу саволларга

жавоб бериш жуда қийин, аммо жавоб берилмаса, бошқа моддий манбалар уларнинг маъносини очиб бериши эҳтимолдан йироқ.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Болаликтепа деворларида зиёфат жараёни тасвирланган. Зодагонлар, аниқроғи, катта ер эгалари аристократияси гўзал хонимлар қуршовида муайян бир минор-қалъада тўпланганлар. Монументал расмнинг панорамаси илк ўрта асрларнинг кундалик ва ижтимоий ҳаётини акс эттиради. Масалан, зодагонларнинг ҳашамат ва бойликка интилиши улуғворлик ва қадр-қиммат, бойлик ва аслзодалик белгисидир. Бу ерда жамиятнинг турли қатламлари намойиш этилган: зодагонлар, хизматчилар, хонимлар ва созандалар. Кейинчалик созандалар Марказий Осиё санъатининг доимий қаҳрамонларига айланади. Мусиқа асбоблари ва созандаларни тасвирлаш рассомдан жамланган одамларнинг мулоҳазали хотиржамлиги ҳамда самимий ҳолатини очиб беришни талаб қиласди. Бошқа томондан, мусиқа асбоблари ва созандалар образининг ўзи рассомни нозик шеърий кайфият, ҳикоячилик ҳамда инсоний фикр ва кайфиятларнинг чуқур қиёфасини тасвирлашга йўналтириди.

Х. Караматов таъкидлаганидек, «Беруний ҳам Сўғдда зардуштийликка оид байрам кунлари оташхоналарда жамоа бўлиб таом тановул қилиш одати бўлгани ҳақида хабар қолдирган. Каттақўрғондан топилган марҳумлар суюклари сақланадиган жойларда икки аёл ва икки эркак коҳинларнинг диний маросимда иштирок этгани тасвирланган. Сосонийлар Эронида аёллар диний маросимларда умуман иштирок этиши мумкин бўлмаган бир пайтда бизнинг ўлкамизда диний бағрикенглик мавжуд бўлган. Масалан, Болаликтепадаги деворий суратларда хотирлаш зиёфати худойи маросими акс этган»[2; Б.514].

Болаликтепа деворий суратларида мағрур эркаклар ва соҳибжамол аёллар базми тасвирланган, уларнинг юз ифодаларида томошибинларнинг маънавий яқинлиги ва ҳамжиҳатлиги сезилади.

Л. И. Ремпель ушбу суратларда «енгилтабиат аёллар» тасвирланган деган фикрга қўшилмайди. У Болаликтепа деворий суратларининг сюжетлари фольклор билан боғлиқлигини, уларда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирланган фольклор санъати ифодаланганинглигини, шунингдек илк Ўрта асрлар ҳаётининг бадиий проекциялари бўлиши мумкин бўлган ҳеч қандай бадиий мотив йўқлигини таъкидлайди.

Л. И. Ремпель Болаликтепа қалъасининг ғарбий томонидаги деворий суратларни таҳлил қиласкан, шундай холосага келади: «Ҳа, бу кейинчалик Фирдавсий қадимги фикрларнинг универсал йиғиндиси бўлган «Шоҳнома»сида фойдаланган романтик кичик ҳикоя. Олис юртдаги ҳукмдор шаҳаншоҳнинг ўғилларини алдай олмади, улар қайси бир малика унинг қизларидан бири энг кичиги, ўртанчаси ва каттаси эканлигини аниқлаб, топишмоқни топадилар ҳамда ҳукмдор сўзида туриб, қизларини шоҳ ўғилларига турмушга беришга мажбур бўлади. Бутун саройда хурсандчилик, қизлар баҳтли, меҳмонлар ва куёвлар ҳам шод»[1; Б.137-138].

Дарҳақиқат, ушбу суратлар кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Лекин Л.И.Альбаумнинг: «Болаликтепа деворий суратларида... оддий халқнинг майший ҳаёти билан боғлиқ байрам саҳнаси акс этган», деган фикрига қўшилиб бўлмайди[3; Б.196].

Лекин, айни вақтда ушбу суратларда монийлар, кейинчалик маздакийлар томонидан маҳаллийлаштирилган эркакларнинг аёлларга нотенг муносабатини ифодаловчи мозийдан садони кўрмасликнинг иложи йўқ.

Болаликтепадаги суратларда «одобсиз аёллар» билан диний зиёфат тасвирланган, деган фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, бу ерда, илк ўрта асрларнинг маълум диний ва фалсафий дунёқараси борлигини тан олиш керак. Аёллар сұхбатидан роҳатланиш, эркакларнинг аёлларга муносабати, уларга бўлган юксак хурмат туйғуси, аёлларнинг жамиятдаги тенг мавқеи, суратларда моний-маздакий ахлоқий ва эстетик идеалининг баъзи хусусиятларини акс эттиради. Ушбу саҳна қайсиdir олижаноб феодалнинг хотинлари, ўғиллари, меҳмонлари ва бошқалар билан уюштирган базмининг бадиий тасвири бўлиши мумкин. Ушбу фикрни тасдиқлаш учун тарихий ҳужжатларга мурожаат қиласа бўлади.

Илк феодаллик даврига мансуб Болаликтепа қалъасининг деворий суратлари (V–VI асрлар) Шарқ романтизми санъатининг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланади. Уларда бадиий жиҳатдан тўлиқ шаклланган ҳамда кейинчалик гуллаб-яшнаган Шарқ санъатининг кўплаб қирралари ва хусусиятлари акс этган. Биринчидан, рассом ўз сюжетини лирик ривоят ҳикояси шаклида қуради: суратда диний ибодат маросимлари ва ҳолатлари эмас, балки феодал зодагонлар ҳаётидаги дунёвий воқеалар тасвирланган. Иккинчидан, сюжет шаклланишида илк феодал давлатларнинг шаклланиши давридаги ахлоқий-эстетик ва диний-фалсафий тамойилларни ҳис қилиш мумкин.

«Феодал қаҳрамон давлатманд, бой, кучли, гўзал, тарбияли, ақлли бўлиб, ўз табақасининг ғурурини сақлайди. У аёл билан мулозаматли, аммо, иерархия қонунлари бўйича, ўз ҳукмдорига хизмат қилиши керак бўлганларни ҳаддан зиёд ёмон кўради. Илк феодаллик даври жамиятида қабул қилинган ахлоқ кодекслари шуни тақозо этган» [1; Б. 138]

Муҳокама. Болаликтепа деворий суратларида синфий иерархия сақланиб қолган бўлса-да, саҳналарнинг умумий руҳида тасвирланган одамларнинг маълум бир ўзаро уйғунлиги ва келишувини ҳис қилиш мумкин. Монийликнинг мулкий фарқларни тартибга солиш ҳақидаги ғоялари бу ерда ўзига хос бадиий ифодасини топган, деган фикрдан йироқмиз. Йўқ, V–VI асрлар рассоми ўз олдига бундай эстетик вазифани қўя олмас эди. Аммо, қаҳрамонларининг кийимлари, юзлари ва ташқи қиёфаларида рассом ҳар бир инсоннинг тенглиги ва мағрурлигини таъкидлайди.

Аёлларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзолари сифатида тушуниш ва тасвирлаш айниқса муҳим. Улар суратларда ёритилган сюжетнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир. Уларга нисбатан назокат ва поклик сезилиб туради. Болаликтепа деворий суратларининг яна бир хусусияти шундаки, муаллиф уларда ўзининг яратувчан ҳаётга нисбатан тинч ва хотиржам ҳис-туйғуларини акс эттирган, ёзувдаги барча юз ифодаларида осойишталиқ, жонланиш мавжуд, бу эса тасвирга монументаллик ва ички аҳамиятлилик бағишлийди.

Болаликтепа деворий суратлари ижодкори сюжетни батафсил баён этмайди, унинг асарларида саҳналарни турлича талқин этиш, динамик зарбалар ва эмоционал импульслар йўқ. Бу инсоний қадр-қиммат, баҳт-саодат ва осойишталиктининг уйғунлиги билан бирлаштирилган тасвирларнинг романтик маънавиятидир. Шарқ романтизмининг яна бир ўзига хос жиҳати умумлаштириш ва шартланган ҳаёт истаги

ҳам ёрқин ифодасини топишидир. Аёллар ва эркакларнинг юз қиёфалари, умуман олганда, бир хил, аммо айни вақтда уларнинг ҳолати, бош бурилишлари ва имоишоралари таркибидаги композицион фарқлар ҳақиқий саҳнани ҳис қилиш имконини яратади.

Ижодкор бепарволик билан сўзлайди, воқеа ҳақида ўз фикрини билдирамайди, фақат у йиғилганларнинг гўзаллиги, баҳти ва шодлигидан завқ олаётганини ҳис этиш мумкин.

Ижодкорнинг эстетик идеали ҳаддан зиёд умумлашган, илоҳий поклик даражасигача кўтарилган. Болаликтепадаги суратларда акс эттирилган одамлар поклик ва эзгулик мужассам бўлган гўзалликни ифода этадилар.

Варахша қалъасидаги суратлар (VII аср) мазмуни ва образларни талқин этиш бўйича ҳам Болаликте суратларидан фарқ қиласди. Агар Болаликте суратларида образлар умумлашган ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг аниқ кечими мавжуд бўлса, Варахша қалъаси суратлари ундан ҳам умумлашган ва сюжетни абстракт, фалсафий тарзда ифодалаш даражасига етказилган. Л. Исломова таъкидлаганидек, «ота-боболаримиз маънавий ва моддий маданиятининг юксалиши ҳақида кўхна шаҳар Афросиёбда топилган қазилмалар яна бир ёрқин мисол бўла олади. Унинг овози фақат бизнинг мамлакатдагина эмас, балки бошқа кўп мамлакатлар олимлар ўртасида ҳам кенг тарқалди. Афросиёб қазилмалари маҳаллий санъаткорларнинг VII асрдаёқ мисли кўрилмаган турғун бўёқларни билганликларидан ва умуман ҳар тарафлама ривожланган тасвирий санъатга эга бўлганликларидан далолат бериб туради»[4; Б.6-7].

Ижодкорнинг асосий ғояси қаҳрамоннинг гўзаллик, эзгулик ва ёруғликка қарши турадиган қоронғу, йиртқич кучлар билан жангини ёритишга қаратилган. Шерлар, қоплонлар, ҳар хил девлар, гриффинлар ва бошқалар зулмат, ҳалокат ва ўлим кучларининг ташувчисидир. Ўз хизматкори билан ёвуз кучларга қарши кураш олиб борадиган гўзал чавандоз ҳаёт ва нур тимсолидир. Рассом чавандознинг хотиржам ва мағрутур ишончи орқали қувончли ва эзгу кучларнинг ғалабасини намойиш этади. Варахшадаги суратлар Шарқдаги романтизм санъатининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб, уларнинг ўзига хос жиҳати бадиий ифоданинг рамзий тузилишидир. Бу инсоннинг гўзаллиги ва буюклиги, ишлари ва ғалабага оид орзуси ҳақидаги қаҳрамонлик шеъри, эзгу амаллари ва гўзаллигининг ифодасидир.

Бу ерда ижодкор маълум бир қаҳрамоннинг эмас, балки бутун инсониятнинг жасоратини куйлайди, бир инсоннинг ёвуз кучлар билан курашини эмас, балки бутун инсониятнинг ёвузылтика қарши курашини қўрсатиб, унинг жасорати ва матонатини юксакларга кўтаради.

Гарчи «Болаликте», «Варахша» деворий суратлари саҳналари баъзи бир хусусиятларида маълум диний ва фалсафий тенденцияларни ифода этган бўлса-да, уларни монийлик ва маздакизм билан бевосита боғлаш тўғри бўлмайди. Албатта, ушбу сюжетларнинг мотивлари ва эстетик ғоялари ҳалқ анъаналари билан чамбарчас боғлиқлиги ва жамоат дидига мос келиши шубҳасиз. «Л. И. Ремпель инсоннинг ўз душманларига (улар одатда йиртқич ҳайвонлар қиёфасида тасвирланган) қарши курашда жасорат қўрсатиши мавзуси асрлар узра амалий мавзудир, деган тўғри холосага келади. Ҳаракатлар қаҳрамоннинг характерини ва натижада жамоат диди тарбиялаган муайян ахлоқий қадриятларнинг эгаси сифатида образнинг ахлоқий

аҳамиятини ифода этади. Ҳайвонлар билан курашиш саҳналари бутун қадимги мифология билан ҳам чамбарчас боғлиқ – Гильгамешдан тортиб Верстрагна ва Геракл ҳамда Рустамгача»[1; Б.142].

Суратларда қандай сюжет акс этмасин, асосий қаҳрамон – подшоҳ, кучли ва жасур коҳин бўлиб, ер юзидағи барча воқеа-ҳодисалар, ов саҳналари унинг атрофида айланади. Варахша деворий суратлари дунёвий-аристократик хусусияти билан фарқланади, бу хроникада атоқли подшоҳлар ва уларнинг яқинлари тасвириланмаган. Аммо ранг ва ёруғликни нозик ҳис қилиш, уйғунлик ва гўзаллик, нафосат ва назокат, мавхум фалсафий ифода этиш қобилияти ва ҳаёт ҳақиқатига содик қолиш қобилияти, ёруғлик кучлари образларини инсонпарварлик билан изоҳлаш ушбу суратларни Марказий Осиёдаги илк ўрта асрлар санъатининг тенгсиз намуналарига айлантириди. Ҳамма нарса инсонни юксалтиришга бўйсундирилган: инсонпарварлик муносабати, ёруғликнинг зулмат устидан ғалабаси – очиқ рангларнинг қувноқ қувончи Варахшанинг барча суратларига сингиб кетган.

Болаликте ва Варахша деворий суратларида Шарқ романтизмининг яна бир хусусияти – одамларнинг эпик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда инсон гўзаллигининг монументаллаштирилган ғояси акс эттирилган. Санъат ҳалқ фольклори анъаналарини ва ҳалқ урф-одатларини ўзига сингдирган, бадиий вазифалар ва эстетик маънавий эҳтиёжларга қараб фольклор анъаналари, диний ақида ва эътиқодлар ўзига хос тарзда ўзгариб борган. «Зардуштийлик, монийлик ва маздакизм, даврнинг асосий коҳинларга оид динлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг ҳеч бири Марказий Осиёда бошқа динларни бостириш учун мутлақ ҳокимият ва аҳамиятга эга бўлмаган. Аксинча, уларнинг ҳеч бири ҳалқ қалбига чуқур таъсир қилмаган деб тахмин қилиш мумкин, чунки унинг туб-тубида, ҳар хил жойларида маздакийлик (самовий руҳларга сифиниш, олов, сув, ер ва шамолни муқаддас билиш ва ҳ. к.) азал-азалдан яшаб келган. Ҳалқ ибодатлари, сифинишлари мифологик ижод босқичидан ўтиб, одамларнинг хислатларини илоҳларга кўчирди; санъат уларга образли ифода берди. Шу билан бирга, тош, олов ва бошқа нарсаларнинг қўпол табиатига қўр-қўrona сифинишни туғдирган ибтидоий маданият сақланиб қолди. Анахит, Митра, Сроуш, Рашну сингари илоҳларнинг фаолиятини тасвирилашда афтидан Авестонинг дормаси ва соғ ҳалқнинг ўзига хос жиҳатлари ҳар доим ва ҳамма жойда мавжудотнинг идеал ва гўзал яратувчиси Худонинг инсон фаровонлиги ва баҳт-саодати ҳақида қайғуриши билан чамбарчас боғланиб кетган. Илк феодализм даврида қадимги мифологиядан туғилган эски илоҳлар муқаррар равища янги фазилатларни әгаллаши керак эди. Илгари мифологик таркиб билан ўранган эпос эндиликда даврнинг қизиқишлари билан тўйинди. Нур ва зулмат ўртасидаги кураш ғояси, Ормузд ва Аҳriman кураши ўзининг Эрон ва Турон жангчиларининг ҳақиқий тарихий вазият нотинчлиги билан мураккаблашган курашида янги ифодасини топди. Эркин рицарлар шоҳларнинг зулм ва истибодига ҳамда Афросиёбнинг хиёнатига қарши ёки Афросиёб қўлёзмасида Аҳriman ва қон тўйкан шоҳ (Аждахак, Аждарҳо) ёвуз руҳининг авлодларига қарши чиқди. Кўплаб улуғвор қаҳрамонлар иккала урушаётган томоннинг истибодиги ва ҳийла-найранглари қурбонига айландилар. Улар орасида Рустам ва унинг шогирди Сиёвуш сингари ҳалқ хаёлотининг қаҳрамонлари ҳам бор эди. Уларда ҳалқ фантазияси шер – Қуёш (Рустам) ва фасллар ўзгариши билан алмашган ўлиб тирилувчи илоҳ (Сиёвуш)нинг хусусиятлари

кўчирилган. Ушбу антик илоҳларнинг эпик қаҳрамонларга айланиш жараёни қадимдан бошланган ва V–VIII асрларда ўз ифодасини топган»[1; Б.162].

Ўрта Осиё ҳудудидан археологик қазишмалар пайтида топилган ҳар хил сопол ҳайкалчалар «Кўлида қуш тутган жангчи» терракота плиткаси (V–VIII асрлар, Афросиёб), «Соқоли бор тўнағичли чапақай» (VI аср, Кафир-қалъа), ибодат билан боғлиқ шахслар тасвири туширилган сопол тахтачалар (Терракота, VI–VIII асрлар, Афросиёб) кабилар бадиий талқин орқали инсон маънавиятини кўрсатди. Умумлашган ва символик образларда инсоннинг ички олами, идеаллари, эътиқоди акс этган. Улар ўша давр одамлари ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил этган. А.Ҳакимовнинг таъкидлашича, «Сўғдга маданиятнинг кенг мифологик тасвири хосдир: санъатнинг рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, ганч ва ёғоч ўймакорлиги каби турлари гуллаб-яшнагани кузатилади (Афросиёб, Панжикент, Варахша). Ундан ташқари, хунармандликнинг баъзи турлари – торевтика (тилла суви юргизилган кумуш), керамика, коропластика, тикувчилик, заргарлик санъати кабилар – ҳам ривожлангани кузатилади»[5; Б.58].

Рассомнинг эстетик ғояси у яратган образларда ифодаланади, уларда гўзаллик ғояси ва унинг тасвирланган ҳодиса билан алоқаси мавжуд. Болаликтеа деворий суратлари яратилган даврда рассомнинг эстетик идеалида муайян ўзгаришлар рўй берган. Юнон-Бақтрия шоҳларининг портретлари ўзига хос индивидуал хусусиятлар билан берилган, маълум бир шахсада рассом ўзининг гўзаллик идеали тимсолини кўрган давр энди ортда қолган. Шу сабабли, қадимги рассомлар ўзига хос шахслар портретлари орқали индивидуал белги ва муносабатларни акс эттирувчи гўзаллик туйғусининг турли ифодаларини беришлари мумкин эди.

Гоявий ва фалсафий-диний таълимотларда аввал шаклланган олам тасаввури ва урф-одатларни янгилашнинг мураккаб жараёни кетаётган эди. Гоялар ўзига ҳар хил мифологик, фалсафий ва диний таълимотларни сингдирган бўлиб, янги санъатнинг характеристи, ўрта асрлар санъати даврининг кўпгина жиҳатлари уларга боғлиқ эди.

Эстетик эҳтиёжларни қондирадиган янгиликни излаш даври бошланди. Антик давр анъаналарини йўқотиш ҳамда бадиий тил ва эстетик идеалнинг янги услубини излаш каби даврда ривожланган моддий ва маънавий субстанцияни шартли талқин қилиш тенденцияси кейинчалик Ўрта Осиёда миниатюра бадиий қонунларини шакллантирган асосий эстетик тамойиллардан бирига айланди.

А. Ю. Якубовский тўғри таъкидлаганидек, «...нафақат ижодкорнинг, балки томошабиннинг ҳам бадиий идеали ўзгарган. Гўзаллик энди характерлар ва индивидуалликнинг моҳиятини ёритиш эмас, ўша давр томошабинига ҳузур баҳш этадиган гўзалликнинг қонун ва қолипларини яратиш билан белгиланган»[6; Б.19].

Натижалар. Болаликтеа деворий суратларини ўрганиб, шундай хуласага келиш мумкинки, илк ўрта асрлар рассомлари гўзаллик деганда мамнуният ва идеални амалга ошириш жараёнида олинган завқни тушунганлар. Рассом нафақат ўзи тасвирлаган нарсага, балки унинг мужассамлаш шакли ва бадиий экспрессивлик услугига ҳам мухлислик қиласи, бунинг учун у шартли объективлик ва шартли ишонувчанлик мезони сифатида гўзалликнинг ўзига хос олдиндан белгиланган меъёрига мурожаат этади. Ушбу суратларнинг бадиий қиймати уларнинг ҳаётийлигига эмас, балки бадиий мухитни шартли ташкил этиш бўйича рассомнинг идеалига мос келишидадир.

Бинобарин, рассом вазиятларнинг объектив алмашинувини, сюжет чизиқлари, атроф мұхит ўзгаришини күзатмайды, бу ҳолатлар, образ ва кайфиятлар унинг бадиий ғояси ҳамда дидининг бирлиги ва характерига мос келади. Шунинг учун Болаликтепа ва Панжикент деворий суратларининг қаҳрамонлари – гарчи уларни битта кайфият, яъни базм шодлигининг тараннуни бирлаштирган бўлса ҳам – қўп ҳолларда руҳий мустақилликка эга. Аммо, бу ерда кайфият ҳали пайдо бўлмаган, у кейинчалик Ғарбий Европа рассомчилик санъатида намоён бўлади. Болаликтепа ижодкори учун хурсандчилик ҳанузгача ахлоқий ҳамда диний ғоя ва қонунлар пардаси билан ўралган. Шунинг учун Болаликтепанинг даҳо рассоми, турли инсонларнинг руҳий ҳолатини бирлаштирган ҳолда, умумий муқобилликни яратади, уларнинг барчаси ўз ички оламига ўралган ва базмда ўзича иштирок этмоқда. Унда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон, ҳеч ким ҳеч кимга халал бермайды, бирорни сиқиб чиқармайды, эстетик эркинлик айнан шунда намоён бўлади, у илоҳий гўзалликни куйлади.

Болаликтепа, Варахша, Панжикент ижодкори бадиий услубининг анъанавийлиги нафақат тасвирий воситаларда, уч ўлчовли макон бўлмаганида, балки ахлоқий ва эстетик идеалда ҳам ифодаланган. Гўзаллик асарнинг нозик ва уйғун равишида боғлиқ бўлган образли-таркибий бирлиги сифатида тушунилади. Ранглар уйғунлиги, чизиқлар мутаносиблиги, композициялар мувозанати, режалар тартиби «гўзаллик» тушунчасини тавсифловчи асосий хусусиятлар эди. Гўзаллик тана ва руҳнинг умумий уйғунлиги, ахлоқий ва эстетик ғояларнинг бирлиги сифатида ифодаланган.

Гўзалликни айнан инсон маънавиятининг мутаносиб ифодаси сифатида тушуниш бадиий тилнинг ўзига хослигини, ўзига хос эстетик бадиийликни келтириб чиқарди. Болаликтепа суратидаги соҳибжамол қизлар юзларининг бир хиллиги, қаҳрамонлар атрофидаги безак мұхити кабилар инсон гўзаллигининг маълум бир қонунга интилишини кўрсатади.

А. Ю. Якубовскийнинг сўзларига қараганда, Панжикентнинг дунёвий мавзулардаги деворий суратларида аллақачон аниқ ифода этилган конвенция элементлари, гўзаллик қонунлари мавжуд. «Аммо Панжикент рассомларининг ижодида атроф олам тасвирланган объектларни стилизациялашда гўзалликнинг шартли қонунларини яратиш жараёни бошланганини күзатамиз. Қонунлаштиришнинг, стилизациялашнинг бундай бошланиши миниатюраларда XIV–XVI асрларда ўзининг яққол ифодасини топган»[6; Б.20].

Хуносабатининг қилиб, кузатувчанлик нафақат рассомнинг воқеликка эстетик муносабатининг асоси, балки шахс ахлоқий ғояларининг мўътадил нафосати билан боғлиқ асар архитектоникасининг таркибий моҳиятига ҳам айланади. Мулк иерархиясининг кучайиши, жамиятдаги одамларнинг ўзаро муносабатлари ва хатти-ҳаракатларини бир қолипга келтириш, давлат динини шакллантириш, фалсафий таълимотларни аниқлаштириш ва тарқатиш, ўз навбатида, бадиий фикрлашнинг маълум бир стереотипи шаклланишига ҳисса қўшди, бу эса эстетик идеални қонунлаштиришда ва тасвирланган мотивларни стилизациялашда ифодаланди.

Аммо, илк ўрта асрлар эстетик идеалининг анъанавийлиги ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлган. У стилизацияланган умумлаштиришда ифодаланган бўлса ҳам, аслида, ҳаётга проекциянинг ўзига хос тури эди. Рассом инсонни ва атрофидаги шароитни у мавжудлигининг турли қирралари ифодаси сифатида тасвирлашни яхши кўради.

Шунинг учун кийимлар, идишлар, асбоблар, дараҳтлар ва турли безаклар одатий мазмунли ва тақдим этилган идеал – суратнинг ҳақиқий атрибулари сифатида диққат билан тасвирланган.

Санъат халқнинг ижтимоий-тариҳий, ғоявий ва маънавий-фалсафий ҳаётининг конденсатори бўлгани боис, маълум бир даврдаги диний ғоялар билан романтик ғоялар ва идеалларнинг тўғридан-тўғри параллеллигини ўрнатиш мумкин эмас. Бадиий йўналишлар, диний, фалсафий ва ахлоқий ғояларнинг ўзига хос жиҳат ва белгиларини ўзлаштирган ҳолда, айни пайтда ўзларининг ғоявий ва бадиий тамойиллари асосида ушбу маънавиятнинг ижтимоий-тариҳий қатламидан четга чиқиши мумкин.

Бадиий тенденцияларга қарор топган анъаналар, идеаллар ва ижтимоий ўзгаришларга мувофиқ таъсир кўрсатилади. Шу сабабли, Шарқ романтизми диний эътиқод ва таълимотнинг бевосита натижаси бўлмаса-да, мамлакат ва халқнинг ижтимоий-тариҳий, маънавий ва мафкуравий ҳаётига хос маълум жиҳатларни ўзида мужассам этган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И История искусства Узбекистана. – М.: Искусство, 1965.
2. Караматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2008
3. Альбаум Л.И. Балалик-тепе, Ташкент, 1960. – С. 196.
4. Исломова Л.А. Ўзбекистон халқларининг эстетик мероси ҳақида. – Т., 1969. – Б. 6–7.
5. Ақбар Ҳакимов. Искусство Узбекистана История и современность. – Ташкент: «SAN'AT», 2010, с.58.
6. Якубовский А.Ю. Вопросы изучения Панжикентской живописи // Живопись древнего Пенджикента: Сб. – М., 1954. – С. 19.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
мастъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).